

ГАРБДА ДИН ВА ЭЪТИҚОДГА ОИД МАСАЛАЛАРНИ ИЛМИЙ ЎРГАНИШГА  
БЎЛГАН ХАРАКАТЛАР ТАРИХИДАН

Х.Ё.Сагдиев

*Toishkent islam universiteti  
“Ислом цивилизациясини ўрганиши  
ISESCO” кафедраси катта ўқитувчиси,  
PhD*

Инсонларнинг динга бўлган муносабатлари уларнинг маънавий савиялари мезони бўлиб хизмат қилади. Бу масалада гап муайян диний конфессияга расман тааллуқли бўлиш борасида, ёки “диндор” ҳамда “дахрий” иборалари билан юритиладиган инсонларга баҳо бериш муносабати ҳакида ҳам эмас, балки динга бўлган катта қизиқиш ва уни чуқур англаб етишга йўналтирилган уриниш муҳим аҳамият касб этади. “Инсониятнинг ақл эгалари” деб ҳисобланувчи пайғамбару авлиёлар, шоиру рассомлар, олиму фузалолар, қонун пешволари-ю, давлат раҳбарларининг барчалари, диннинг идивидуум ва жамиятга таъсири нечоғлик аҳамиятли эканлигини билганликларидан унга катта эътибор қаратганлар. Дин борасида асрлар давомида кескин баҳслар кечганлиги ва улар кейинчалик қонли тўқнашувларга айланиб, муҳолифдагилардан бирон-бирининг ҳисбга олинишидан тортиб, то уни турли қийноқларга солиниш-ю ва ҳатто қатл қилиниши билан тугаганлиги тарихдан маълум.

Бироқ, бу баҳснинг фақат салбий жиҳатларига урғу бериш адолатдан бўлмайди. Дин борасида кечган мунозараларнинг энг муҳим натижаси – бу унинг мукаммал ғояси борлигига. Бу ғоя оқибатида кўп сонли диний концепцияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ўз ўрнида бу концепцияларнинг баъзиларидан рационал танқидлар натижасида воз кечилиб ҳамда ҳаётий муҳим бўлиб ўрнашиб қолганларининг далилларини янада мустаҳкамлаш борасида тадқиқотлар олиб борилган. “Ҳаёт учун қураш” деб ном олган юқоридаги баҳслардан унумлироқ саналган ғоялари сараланиб асат-секин диншуослик илмининг пайдо бўлишига замин яратган.

Айниқса охирги 300 йил давомида Европада назарий ва эмпирик материалларни тўплаш жараёни жадал кечди. Бунга сабаб қилиб қўргина анъанавий қарашларни фалсафий нигоҳ билан қўриб чиқиши ва динга илоҳий ваҳий деб таъриф берилган ақидавий нуқтаи назарни ишлаб чиқилишини асос деб олиш мумкин. Динга бундай таъриф бериш усули ўрта асарларда ҳукмрон бўлган бўлса, янги даврга келиб кенг миқёсда ўз тарафдорларига эга бўлди ва бугунги кунда ҳам бу қарашнинг кўп сонли вакиллари фаолият олиб бормоқдалар. Ушбу таърифнинг бу қадар кенг тарқалганлиги ва ўз мавқеини сақлаб қолиш ҳолатига назар ташланса, ўз тасдифини эътиқод қилувчиларнинг наздида шак-шубҳа қилишдан ҳоли бўлган муқаддас китоб ва муқаддас нақллардан олганлигига қўриш мумкин. Бундан ташқари, таърифнинг энг

асосий мазмунини (аввало Худонинг борлиги ҳақидаги тезис) ҳеч қандай текширувга солиб ҳам, сохталик ҳолатини аниқлаштириб ҳам бўлмайди. Шунинг учун у ҳеч қандай талофатга учрамасдан илмий ва фалсафий танқидлар оловидан осонликча чиқиб келмоқда.

Юқоридаги таърифнинг динни ўрганишдаги ўрни ҳақида тўхталинса, у тадқиқот предметини сезиларли даражада чегаралайди. Масалан, Европадаги христиан теолог ва файласуфлари асосий кўрсатма сифатида фақат ягона битта динни ҳақиқий деб тан олишарди, бошқаларини эса эътиборга лойиқ бўлмаган иштибоҳ ёки хурофот санашарди. Христианлик асосларидан арзимас даражада четланиш бидъат саналарди ва бундайлар билан баҳс куч ишлатиш орқали амлага ошарди. Бундай шароитларда Европада динни ўрганиш Инжил, рухоний оталарнинг асарлари ва бош черков қарорларини ўрганиш билан чегараланганди, холос. Бир сўз билан айтганда, кўп асрлар давомида европалик мутафаккирлар дин борасида тадқиқот олиб бориш ўрнига христианлик динини чукур ўрганиш билан шуғулландилар.

Вазият “маърифат даври” (XVIII аср)га келиб айнан христиан динини европалик файласуфлар томонидан кескин таъналар қилиш билан ўзгара бошлади. Бу пайтга келиб Англия, Франция ва Европанинг бошқа давлатларида “табиий фанларга асосланган дин” деб номланувчи фаразларни жадаллаштириш жараёни бошланди. Ушбу фаразларга таъриф бериш мақсадида файласуфлар инсоният учун умумий эътиқод маслагини топиш йўналишида христианлик ва бошқа динларни ўзаро қиёс қила бошладилар. Шу каби изланишлар натижасида конфуцийлик, даоизм, буддизм, индуизм, ислом ва ҳ.к. таълимот ва динлар ҳақидаги илмлар қизғин ўсиб борди. Европада маҳаллий аҳоли эътиқод қилмайдиган динларга бўлган қизиқишининг ортиши ҳамда уларга нисбатан диний бағрикенглик тамойилларининг шаклланиши оқибатида тадқиқот кўлами кенгайди ва диншунослик фанининг пайдо бўлишига замин яратилди.

Европалик олимлар диннинг тарихдан устун қўйилишини динга анъанавий теологик нуқтаи назаридан таъриф беришнинг яна бир нуқсони сифатида қарай бошладилар. Христиан теолог ва файласуфлари инсониятга бир пайтлар берилган “илоҳий вахийлар” нафақат шубҳасиз ҳақиқат, балки ўзгармас бўлиб қолган ақида деган эътиқодда эдилар. Динни тарихдан устун қўйиш таърифиға немис файласуфлари барҳам бердилар. Йирик немис файласуфлари Иоган Готфрид Гердер (1744-1803), Фридрих Шлегель (1772-1829), Георг Вильгельм Фридрих Гегеель (1770-1831), Фридрих Даниель Эрнст Шлейермахер (1768-1834) диннинг тарихий ривожланиши ҳақида қаттий фикрларни илгари суриб, диний билимларни тарих фанидан айри ҳолда ўрганиб бўлмаслигини таъкидладилар. Кейинчалик бундай тартиб дин ҳақида тадқиқот олиб борувчилар учун аксиомага айланди.

Ниҳоят диншунослик услуг ва методологияси ишлаб чиқилди. Бу борада илк илмий ишларни XIX асрнинг иккинчи ярмида немис олими, немис ва инглиз тиллари филологи, умумий тилшунослик мутахассиси, хиндшунос Фридрих Максимилиан Мюллер (1823-1900) олиб бориб, “Дин ҳақидаги илм” тушунчасини муомалага киритди

ҳамда унинг муҳим методологик тамойилларини шакиллантириди.<sup>59</sup> Бунда у динни, тил ва афсона ҳақидаги илмлар билан қиёсий ўрганиш усулини таклиф қилди. Замонавий даврга қадар бир қанча авлод олимлари томонидан турли тамойиллар киритилиб, маълум шаклга келди. Диншунослик ўз олдига ундаги мавжуд фикрларни диндор бўлган ёки диндор бўлмаган шахсларнинг дунёқарашларига мослаштиришга асосланмаган. Аксинча, бир неча умуумий ва хос тамойилларга асосланган бўлиб, унга холислик, маданиятшунослик, антропологик, диний бағрикенглик ва ўзаро чидамлилик ҳамда виждан эркинлиги хуқуқини таъминлаш тамойиллари киритилди.

Баъзи ғарб олимлари христианикдаги диншунослик ва “теология” деб номланувчи ақида илмини қисман битта предмет устида тадқиқот олиб боргани учун бир-бирига қўшиб юборишга ҳаракат қиласидилар ва ҳар иккаласига ҳам бир хил маълумотларни келтирадилар. Канадалик неотомист Б.Лонерган (1904-1984) “теология (акида) диндаги рефлексия (ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш)ни ташкил қиласи. У дин ва маданият ўртасидаги боғловчи ҳалқа бўлиб хизмат қиласи. Унинг вазифасига ҳар қандай мавжуд маданият контекстидаги диннинг мазмун ва аҳамиятини аниқлаштириб бериш киради”<sup>60</sup> дейди.

Дин ҳақидаги фанни вужудга келтиришга бўлган уринишларга теолог ва клерикал мутафаккир вакиллари орасида салбий муносабатлар билдирилди. “Теологлар янги пайдо бўлган бу фанга ижобий фикрда бўлмадилар, аксинча, расмий дин намояндалари – буни барча дин вакиллари ҳақида айтса бўлади, ушбу илм соҳасига энг ашаддий танқидчи сифатида иштирок этдилар. Ўзларининг анъанавий қарашларида қатъий қолган ва эътиқодларининг ҳимоячилари сифатида обрў қозониб юқори мансабларга эришган шахслар ўз-ўзидан янги вужудга келган бу фанга мухолиф бўлишлари табиий ҳол эди”.<sup>61</sup>

Христианликдаги илоҳиёт ёки теология ҳақида сўз кетар экан, (юононча. θεός — Худо, λόγος — сўз, таълимот, фан) – бирон-бир диннинг ақидаси, диний таълимотнинг тизимли равища баёни ва изохи ҳисобланади.<sup>62</sup> Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, ғарбий христианлик илоҳиётининг асосчиси сифатида Аврелий Августин (354-430) тан олинган. Ғарбда илоҳиётни христиан черкови ва жамоаси каби ижтимоий уюшмасиз тасаввур қилиш қийин масала ҳисобланади. Черков уюшмасининг ички дунёқарashi ҳисобланмиш илоҳиётни, фалсафий ва илмий фикрларга хос бўлган автономия хуқуқига эга деб бўлмайди.

Сўнги йилларда эътиқодга оид чоп этилаётган мақола, монография, ўқув қўлланмалар ва лугатларда тез-тез “компаратив теология” (қиёсий ақида) деган атама ишлатилмоқда. Бу атама Ф. Макс Мюллер томонидан диншуносликдаги “динларнинг тарихий тузулиши”ни ўрганиш бўлимини белгилаш учун киритилган. Дастрраб атама

<sup>59</sup> Friedrich Max Müller. The Science of Religion. Spottiswoode & Co., New-street square, London 1870.

<sup>60</sup> Lonergan Bernard. Philosophy of God and Theology. – London: Darton, Longman & Todd, 1973. P. 22

<sup>61</sup> Louis Henry Jordan. Comparative Religion. A Survey of its Recent Literature. – London, Milford: Oxford University Press, 1920. – Vol.1. P.135.

<sup>62</sup> Большой толковый словарь русского языка. (Составитель и главный редактор С. А. Кузнецов). — СПб.: Норинт, 1998. С.87

эътиқодий маңони англатмаган. Унинг қўлланиши эҳтимол ғарб христианлиги учун “терминологик ён босиш” деб баҳоласа бўлади, чунки Ф. Макс Мюллер (унинг ижоди бунга гувоҳ) анъанавий христиан ақидасини дин ҳақидаги илмга киритиш нияти бўлмаган.

Кейинчалик “компаратив теология” атамаси икки хил маңнода ишлатила бошланди. Баъзида бу атама битта ёки бир неча динларда мавжуд эътиқодга оид анъаналарни қиёсий солиштириш учун қўлланилган. Америкалик теолог Дэвид Трейс: “Аксар ҳолларда “компаратив теология” атамаси (шунигдек “жаҳон теологияси” ёки “глобал теология” ҳам номланувчи) бир эмас, икки ва ундан ортиқ диний анъаналарнинг ақидага оид асосларини қиёслашга таянган қатъий эътиқодий изланишни ўзига мақсад қилиб олишдир”<sup>63</sup> деб таъкидлайди.

Замонавий диний-фалсафий ва эътиқодга оид адабиётларда “дин теологияси”, “инсониятнинг диний тарихи теологияси”, “homo religiosus теологияси” ва шу каби атамаларни учратиш мумкин. Ушбу атамалар билан олиб борилаётган эътиқодга оид изланишлар шарт-шароитлари, конфессионал манфаатлари, мавзулари, мақсадлари ва вазифалари билан фарқ қиласа-да, уларни барчасини методология, яъни динни қиёсий ўрганиш усули бирлаштиради. Бунинг барчаси, илк диншуносликда кенг қўлланиб, ушбу фан тарихи узра етиб келган компаративистика замонавий теологияга тобора катта таъсир кўрсатиб келмоқда.

Аммо бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, ислом динидаги эътиқодга (ақида) оид илмлар, ғарbdаги христианлик динининг “теология”сида олиб борилган илмий ўрганишдан ўзгача. Ва бу масалага ёндошиш алоҳида фикрларни баён қилишни талаб қилувчи мавзу ҳисобланади.

<sup>63</sup> Tracy D. Theology // The Encyclopedia of Religion. Vol. 14. P. 446.